

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ОЛИМПИА ШАҲАРЧАСИ
ҚУРИЛИШНИ БОШЛАБ БЕРДИ

9 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Олимпия шаҳарчаси қурилишига тамал тоши қўйилди. Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари сўзининг аввалида барчани ушбу тарихий воқеа билан табриклаб, лойиҳанинг аҳамияти ҳақида гапирди.

— Бизнинг ўз йўлимиз, ниятларимиз, режаларимиз бор. Бугун қилаётган тарихий ишларимиз ўзининг катта натижасини беришига ишонамиз. Ана шу ишонч бизга куч-қудрат беради, — деди Шавкат Мирзиёев.

Мамлакатимизда спортни оммалаштириш, спортчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги беш йилда спорт соҳасига қарийб 4 триллион сўм йўналтирилиб, 118 та йирик иншоот фойдаланишга топширилди ва 110 таси реконструкция қилинди.

Эътибор ва шароит натижасида жорий йилнинг ўзида спортчиларимиз турли халқаро мусобақаларда мингдан зиёд медални кўлга киритди. Жумладан, Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида ўтган шахмат олимпиадасида миллий терма жамоамиз биринчи ўринни эгаллади. Туркиянинг Конья шаҳрида бўлган Ислом бирдамлиги уйинларида эса вакилларимиз жами 158 та медал билан умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни олди.

Бундай натижалар туфайли спортчиларимизга дунё тан бериб, нуфузли халқаро мусобақаларни ўтказиш Ўзбекистонга ишониб топширилмоқда. 2021 йили Тошкентда оғир атлетика ва бу йил дзюдо бўйича жаҳон чемпионатлари юқори савияда ташкил этилди. Келгуси йилда юртимиз бокс бўйича жаҳон чемпионати ҳамда қитъа миқёсидаги кўплаб турнирларга мезбонлик қилади.

Қутилаётган анжуманлардан энг нуфузли Ешлар ўртасидаги Осиё ва Параосиё уйинларидир. Бу мусобақалар 2025 йилда Тошкентда ўтказилади. Унда қитъамиздаги 45 мамлакат ёшлари 20 га яқин спорт тури бўйича беллашади.

Айтиш жоизки, бундай нуфузли халқаро мусобақа Ўзбекистон тарихида биринчи марта ташкил этилади. Уни юқори савияда ўтказиш мақсадида замонавий Олимпия шаҳарчасини қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Давлатимиз раҳбари бу лойиҳа билан бир неча бор танишиб, кўрсатмалар берган эди. Бу тавсиялар бош лойиҳачи — Хитойнинг “CAMC Engineering” компанияси билан такомилга етказилди.

— Олимпия шаҳарчаси халқимизнинг юксак бунёдкорлик салоҳияти ва ўзбек спортининг оламшумул ютуқлари рамзига айланишига ишонаман. Бу маскан меъморий жиҳатдан мукамал, энергия тежамкор ва энг илғор инновацион ечимларни мужассам қилган замонавий мажмуа бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ушбу лойиҳанинг қиймати 289 миллион доллардан зиёд. Шаҳарча майдони 100 гектар. Бу ерда 10 минг ўринли енгил атлетика ва футбол стадиони, 6 та ёпиқ ва 7 та очик спорт иншоотлари, сув спорти саройи, велотрек, яккакураш, жамоавий спорт мажмуалари барпо этилади.

— Агар шонли тарихимизга назар солсак, ота-боболаримиз келгуси авлодлар учун улуғвор иморатлар барпо этганига ғувоҳ бўламиз. Биз ҳам аждодларимизнинг мана шундай эзгу аъналарини муносиб давом эттириб, мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишларини

амалга оширмоқдамиз. Албатта, бундай йирик лойиҳалар кўпчиликнинг биргаликдаги саяёҳаракати, меҳнаткаш халқимизнинг фаол иштироки билан юзага чиқади, — дея таъкидлади Президент.

Шуни ҳам айтиш керакки, мажмуа мусобақалардан сўнг бўшаб қолмайди. Кейинчалик бу ерда Спортни ривожлантириш вазирлиги, спорт федерациялари ва Ўзбекистон давлат спорт академияси фаолият кўрсата бошлайди. Мажмуаларда юртдошларимиз ҳам спорт билан шуғулланиши мумкин бўлади.

Тадбирда таниқли спортчилар, федерациялар раҳбарлари, соҳа фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари жам бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев Олимпия шаҳарчаси қурилишига тамал тоши қўйди.

— Мамлакатимизда ҳамма соҳаларда лойиҳалар, иморатлар қўпайяпти. Буларнинг замирида буюк халқимизнинг буюк меҳнати ётибди, буюк халқимизнинг нияти, эртанги кунга ишончи ётибди. Худо хоҳласа, бундай лойиҳалар яна кўп бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Маросимда Осиё Олимпия кенгаши бош директори Хусайн ал-Мусаллам, Осиё Паралимпия кўмитаси президенти Мажид Рашид, “CAMC Engineering” компанияси бош директори Ли Хайсин, Ўзбекистон спорт ташкилотлари фахрийлари кенгаши раиси Баҳодир Махситов ва ёш спортчилар сўзга чиқиб, шаҳарчанинг бўлажак шароитлари ва аҳамияти ҳақида гапирди.

ЎЗА

ПРЕЗИДЕНТ САМАРҚАНДГА
ТАШРИФ БУЮРДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 9 ноябрь куни Самарқандга келди.

10-11 ноябрь кунлари бу ерда яна бир нуфузли халқаро анжуман — Туркий давлатлар ташкилоти саммити бўлиб ўтади.

Тадбир олдидан, анъанадагидек, Имом Бухорий мақбараси зиёрат қилинди. Қуръон тиловат этилиб, дуо ўқилди.

Шавкат Мирзиёев Биринчи Президентимиз Ислон Каримов қабрини ҳам зиёрат қилди.

ЎЗА

САМАРҚАНДА
ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ
САММИТИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Жорий йилнинг 10-11 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида Туркий давлатлар ташкилоти мамлакатлари раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтадиган тадбирда Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедов, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров ва Венгрия Бош вазيري Виктор Орбан иштирок этади.

Шунингдек, Халқаро туркий маданият ташкилоти (ТУРКСОЙ), Туркий давлатлар парламент ассамблеяси (ТУРКПА), Халқаро туркий академия, Туркий маданият ва мерос жамғармаси ҳамда ушбу кўп томонлама тузилманинг

котибияти раҳбарлари қатнашиши режалаштирилган.

Саммит кун тартибидан иқтисодиёт, савдо, инвестиция, транспорт, инновация, экология, туризм, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро манфаатли ва кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш, Ташкилот фаолиятини такомиллаштириш масалалари ўрин олган. Бу БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига тўлиқ мос келади.

Яқунда Самарқанд декларацияси ҳамда Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган бошқа муҳим қарор ва ҳужжатлар қабул қилиниши кўзда тутилган.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ
ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА
СОЛИШНИ СОДДАЛАШТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг аниқ мақсад ва чегараларини белгилаш, тадбиркорлик субъектлари томонидан янги маҳсулот ва хизмат турларини жорий этиш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш орқали улар учун тартибга солиш юқини камайитириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ – 60-сон Фармони иқросини таъминлаш мақсадида:

1. Адлия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Савдо-саноат палатасининг давлат томонидан тадбиркорлик фаолиятини фақатгина қуйидаги воситалар орқали тартибга солиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин:

тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг айрим турлари бўйича лицензиялаш, рухсат бериш ҳамда хабардор қилиш тартиб-таомилларини жорий этиш;

техник жиҳатдан тартибга солиш; тариф ва нотариф тартибга солиш; қонунда белгиланган тартибда тадбиркорлик субъектларининг жавобгарлигини мажбурий сўғурта қилиш;

давлат назорати; рақобатни ҳимоя қилиш; қонун билан тадбиркорлик субъектлари ҳамда уларнинг мансабдор шахслари жавобгарлигини ўрнатил;

ҳисоботларни жорий этиш; ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотга аъзолик (иштирок этиш) асосида ўзини ўзи бошқаришни жорий этиш.

▶ Давоми 2-бетда

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ:
БИРИНЧИ САММИТ, ЯНГИ УСТУВОРЛИК
ВА ИМКОНиятлар

Яқинда, бор-йўғи икки ой аввал Самарқандда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммити бўлиб ўтди. Унда ШХТга аъзо, қузатувчи ва ҳамкор давлатлар ҳукуматлари, етакчи халқаро ва ҳудудий ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди. Саммитда глобал ва минтақавий ривожланишнинг энг долзарб масалалари, барқарор ривожланишга хавфлар ва таҳдидлар муҳокама қилинди.

Учрашувлар ва музокаралар натижаларига кўра, ШХТга аъзо мамлакатлар умумий муаммоларни ҳал қилиш бўйича ишлашга келишиб, биргаликдаги хатти-ҳаракатларнинг аниқ режаларини белгилаб олди. Ташкилот фаолиятини такомиллаштириш бўйича энг муҳим ҳужжатларни қабул қилди.

Барча манфаатдор ҳамкорларнинг глобал маданиятлараро мулоқоти учун асос яратишга йўналтирилган “Умумий хавфсизлик ва фаровонлик йўлида Самарқанд бирдамлиги ташаббуси”нинг илгари сурилиши саммитнинг асосий натижаларидан бири бўлди. Моҳиятан, ўзида бунёдкорона “Самарқанд

руҳи”ни мужассамлаштирган, амалий ҳамкорлик ва ўзаро тушуниш ғояларини ифодаловчи халқаро ҳамкорликнинг мутлақо янги шаклини илгари суриш бўйича келишувга эришилди.

Ҳозир Самарқанд олий даражадаги навбатдаги учрашув — Туркий давлатлар ташкилоти саммитига тайёргарлик кўрмоқда. Айнан шу ерда, ўзбек замида ушбу бирлашмага аъзо ва иштирокчи давлатлар раҳбарлари илк бор сифат жиҳатидан янги шаклда — тўлақонли Туркий давлатлар ташкилоти доирасида тўпланади.

▶ Давоми 2-бетда

НУҚТАИ НАЗАР

НОРАСМий БАНДЛИКНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШ

ЖАМИЯТДА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ТАМОЙИЛЛАРИ
МУСТАҲКАМЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



Янги Ўзбекистонда меҳнатга лаёқатли аҳоли бандлигини таъминлаш ҳаётга татбиқ этилаётган кенг қўламли ислохотларнинг бош бўғинига айланган. Бинобарин, мамлакатимизда 2030 йилга бориб ЯИМ ҳажмини 2 баробарга ошириш кўзда тутилган. Белгиланган мақсадга эришиш ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизни батамом янги босқичга олиб чиқади. Бунинг учун айнан иқтисодиётда бандлар сони ва уларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш зарур. Шу сабабли Ўзбекистон учун аҳоли бандлигини таъминлаш барча ижтимоий-иқтисодий муаммолар занжирини устувор аҳамият касб этади.

▶ Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Н И

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШНИ
СОДДАЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Қонунлар билан тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг бошқа воситалари ҳам белгиланиши мумкин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш воситалари тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқариладиган ва реализация қилинадиган товарлар, бажариладиган ишлар, кўрсатиладиган хизматларнинг инсон ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсизлигини, унинг қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, шунингдек, давлат хавфсизлигини таъминлаш ва тадбиркорлиқни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида **фақат норматив-ҳуқуқий** ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар **асосида жорий этилади**; норматив-ҳуқуқий ёки техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжат ҳисобланмаган ҳужжатларда белгиланган тартибга солиш воситалари **ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди**.

3. Қуйидаги талаблар **2023 йил 1 январдан бекор қилинсин**:

тадбиркорлик субъектининг устав фондиди (устав капитални) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинганда кредиторларни ёзма равишда **хабардор қилиш** ва оммавий ахборот воситаларида бу ҳақида **эълон бериш**;

янги импорт автомобилларини сотиш фақат юридик шахслар — **ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг расмий дилерлари** томонидан амалга оширилиши;

электр энергиясини электр таъминоти шартномасида белгиланган ҳажмлардан (ойлик шартномавий микдордан) ортиқча истеъмол қилган юридик шахсларга **электр энергияси етказиб беришни тўхтатиб қўйиш**;

якка тартибдаги тадбиркор томонидан ёлланган ходимлари Ягона миллий меҳнат тизимида ҳисобга олиш орқали **давлат солиқ хизмати органларида алоҳида ҳисобга қўйиш**.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2023 йил 1 мартдан**: солиқ тўловчиларга солиқ органларининг сайёр солиқ текширувлари ва солиқ аудити натижалари бўйича қабул қилган қарорлари устидан **тўғридан-тўғри судга шикоят қилиш ҳуқуқи берилади**;

ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда мулкчилик шаклидан қатъи назар, **барча юридик шахсларга** Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали **тижорат хизматларини кўрсатишга рухсат берилади**. Бунда, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали нодавлат хизматлар кўрсатиш тартиби Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда хизмат кўрсатувчи юридик шахс томонидан белгиланади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан амалга ошириладиган бир шартнома суммаси базавий ҳисоблаш микдорининг **3 500 баравари ва ундан юқори** бўлган давлат харидлари бўйича буюртмалар **тўғридан-тўғри шартномалар асосида бажарилишига йўл қўйилмайди**;

вазирлик (идора, муассаса) ва унинг таркибидagi ташкилот (муассаса) ўртасида қиймати базавий ҳисоблаш микдорининг **3 500 баравари ва ундан юқори** бўлган товарлар (ишлар, хизматлар) нинг **тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилиниши тақиқланади**.

5. Адлия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг **2023 йил 1 январдан бошлаб 1-иловага мувофиқ соҳалар бўйича** юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектларининг замонавий технологияларга асосланган янги маҳсулот ва хизматларни ёки бошқа интеллектуал фаолият натижаларини назорат қилинадиган чекланган муҳитда синовдан ўтказиш бўйича фаолиятини махсус тартибга солишни назарда тутувчи **“Тартибга солиш қўмдони”** махсус ҳуқуқий режими

мини (кейинги ўринларда — Махсус ҳуқуқий режим) **жорий этиш** тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2023 йил 1 январдан**:

а) Махсус ҳуқуқий режим доирасида тадбиркорлик субъектларига қуйидагиларга **рухсат этилади**:

янги маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқиш, апробация қилиш ва жорий қилиш йўналишларидаги фаолиятини чекланган вақт, ҳудуд ва шахслар доирасида махсус тартибга солиш орқали айрим қонунчилик ҳужжатлари нормаларига амал қилмаслик;

лицензиясиз ва рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтмасдан фаолиятни амалга ошириш, бундан давлат сири ва қонунчиликка мувофиқ фойдаланиш чекланган маълумотларни ўз ичига олган лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар мустасно;

б) Махсус ҳуқуқий режим тегишли ваколатли орган ва ташаббускор ўртасида ҳар бир лойиҳа бўйича алоҳида тузиладиган **қелишувга асосан жорий этилади**. Бунда:

қелишувда лойиҳани амалга оширишнинг талаб ва шартлари, шу жумладан, **муддат, ҳуудди ва шахслар доираси**, ташаббускорга татбиқ этилмайдиган **қонунчилик нормалари** рўйхати ҳамда лойиҳа натижаларини **баҳолаш мезонлари** (индикаторлари) белгиланади;

ҳар бир лойиҳа бўйича Махсус ҳуқуқий режимнинг амал қилиш муддати кўпи билан **уч йилни ташкил этади**;

в) Махсус ҳуқуқий режим якунлари бўйича тегишли ваколатли орган томонидан **бир ой муддатда**: синовдан ўтказилган маҳсулот ва хизматларни жорий этишнинг **мақсадга мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказилади**;

маҳсулот ва хизматларни жорий этиш мақсадга мувофиқ деб топилганда, **қонунчилик ҳужжатларини тақомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади**.

Вазирлар Маҳкамаси **2023 йил 1 январга** қадар **“Тартибга солиш қўмдони”** махсус ҳуқуқий режимини жорий этиш тартиби тўғрисидаги **вақтинчалик низомни**, шу жумладан, уни аниқ йўналишлар кесимида амалиётга татбиқ этиш бўйича **“йўл харитаси”**ни тасдиқласин.

Адлия вазирлиги Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда тегишли ваколатли органлар билан биргаликда **2025 йил 1 январга қадар** Махсус ҳуқуқий режим жорий этилган лойиҳалар таҳлили натижалари бўйича **“Махсус ҳуқуқий режим тўғрисида”ги қонун лойиҳасини** ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон Фармони билан тадбиркорликка оид барча мажбурий талабларни **Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблар ягона электрон реестрига** (кейинги ўринларда — Ягона реестр) киритиш, тақрорланувчи ва ўз аҳамиятини йўқотган мажбурий талабларни қайта қўриб чиқиш тартиби жорий этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

8. Белгилансинки:

а) **Ягона реестр** тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш воситалари бўйича ўрнатилган барча талаблар, уларнинг муддатлари, улар билан боғлиқ молиявий харажатлар, талабларга мувофиқлиқни тасдиқловчи ҳужжатлар, назорат қилувчи органлар, текширув шакллари ҳамда жавобгарлик чораларини **ўз ичига олади**;

б) Ягона реестрга маълумотлар тегишли соҳани тартибга солувчи ваколатли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан киритилади;

в) Адлия вазирлиги Ягона реестрнинг оператори ҳисобланади, Ягона реестр

юритилишини услубий таъминлайди, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг ушбу соҳадаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

г) Ягона реестр қуйидаги босқичларда шакллантирилади:

биринчи босқичда (2023 йил) — қурилиш, савдо, умумий овқатланиш, таълим ва транспорт соҳаларидаги мажбурий талаблар рўйхати шакллантирилади;

иккинчи босқичда (2024-2025 йиллар) — барча соҳалардаги мажбурий талаблар рўйхати шакллантирилади;

д) Ягона реестрни шакллантириш жараёнида мажбурий талабларнинг долзарблиги танқидий таҳлил қилинади, тартибга солиш таъсири баҳоланади ва уларнинг сони қисқартирилади;

е) Ягона реестр **2025 йил 1 июлдан бошлаб** тўлиқ ишга туширилади. Бунда, **Ягона реестрга киритилмаган мажбурий талабларни бажармаганлик учун жавобгарлик белгиланмайди**, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари томонидан Ягона реестрга киритилмаган мажбурий талабларнинг бажарилишини текшириш тақиқланади.

Ягона реестрни шакллантириш схемаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Адлия вазирлиги **икки ой муддатда** Ягона реестрни шакллантириш, юритиш ва маълумотларни янгилаб бориш тартибини Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин.

9. Тадбиркорлик субъектлари учун тартибга солиш юқини камайтириш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) 3-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти	Ш. МИРЗИЁЕВ
Тошкент шаҳри, 2022 йил 9 ноябрь	

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ: БИРИНЧИ САММИТ,
ЯНГИ УСТУВОРЛИК ВА ИМКОНияТЛАР

Бошланиши 1-бетда

Самарқанд яна бир неча кунга халқаро мулоқот ва ҳамкорлик марказига, муҳим сиёсий ва иқтисодий қарорлар қабул қилинадиган жойга айланади.

Ўтган галги Истанбул саммитидан ва Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши (ТДҲК) тўлақонли Ташкилотга айлانганидан кейин бу туркий давлатлар раҳбарларининг ана шундай кенг таркибдаги биринчи учрашувидир. Самарқандга барча аъзо ва қузатувчи давлатлар етакчилари келади.

Туркий давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантиришни ташқи сиёсий курсининг устуворлиги деб белгиланган Ўзбекистоннинг фаол ташқи сиёсати бунга кўп жиҳатдан кўмаклашди.

2019 йил октябрида Ўзбекистон ТДҲКнинг тўлақонли аъзосига айланди. Орадан икки йил ўтгач, 2021 йилда Истанбул саммитида Кенгаш тарихида янги саҳифа очилди — у “Туркий давлатлар ташкилоти” деб қайта номланди.

Тошкентнинг туркий давлатлар оиласига қўшилган пайтдан буён ўтган қисқа даврда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Ташкилотга аъзо давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустақамлашга кўмаклашиш бўйича 30 дан зиёд ташаббус ва таклифлар илгари сурилди.

Самарқандда бўладиган саммит ҳам ТДТнинг истиқболли халқаро тузилма сифатидаги ролини мустақамлашга кўмаклашди.

Шу нуктаи назардан, Самарқанддаги учрашувга ҳам мамлакат ичиди, ҳам хорижда жиддий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Миллий ва хорижий ОАВнинг 570 дан ортиқ вакили тадбирни бевосита Самарқанддан ёритиб боради.

Шуниси муҳимки, саммит Ташкилотда мавжуд бўлган улкан салоҳият қай тарзда амалга оширилишига, белгиланган стратегик устуворликларга эришиш учун қандай аниқ механизмларга таянишига оид саволларга жавоб беради.

Бошқача айтганда, ўтган йили Истанбул саммитида қабул қилинган “Туркий дунё нигоҳи — 2040” концепциясининг амалий ўлчамни қандай бўлиши ойдинлашади. Айнан ушбу концептуал ҳужжатда туркий халқлар аҳолиси 170 миллион кишини ташкил этувчи 4,5 миллион квадрат метрлик кенг маконда Умумий уйни барпо этиш гоясига содиқ эканини тасдиқлади.

Ҳозирги кунда Туркий давлатлар ташкилоти доирасида эришилган ўзаро

ҳар томонлама ҳамкорлик даражаси катта рағбат уйғотмоқда. Аммо унинг реал салоҳияти бундан анча юқори. Хусусан, туркий давлатлар ўртасидаги умумий савдо ҳажми нисбатан камтарона бўлиб қолмоқда.

Иқтисодчилар ҳисоб-китобларига кўра, мавжуд ҳамкорлик салоҳияти амалга оширилганда, товар айланмаси вақт ўтиши билан юзлаб миллиард долларни ташкил этиши мумкин.

Шу муносабат билан, Шавкат Мирзиёев бир неча маротаба таъкидлаганидек, фаол ривожланиш ва савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш учун янги имкониятларни излаб топиш ТДТнинг устуворлигига айланиши керак.

Жаҳон бозорида шаклланиб бораётган конъюнктура Ташкилотнинг иқтисодий асосини мустақамлашши — ўзаро савдони кўпайтириш, технология ҳамкорлиқни чуқурлаштириш, йирик инфратузилмавий лойиҳаларни, жадвал ривожланаётган секторларда ва истиқболли йўналишларда инвестицион алмашинуви қўллаб-қувватлашни тақозо этади.

Туркий дунёнинг иқтисодий ўлчамли ҳамкорлик локомотивида ва одамлар фаровонлигининг ўсиши асосига айланиши зарур. Бугун ТДТ мамлакатларининг ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ) 1,2 триллион доллардан кўп. Бу жаҳон ЯИМнинг салкам 1,5 фоизини ёки Осиё ЯИМининг 5,5 фоизини ташкил этади.

Ушбу нуктаи назардан, Президент Шавкат Мирзиёевнинг ТДТ ўртасида савдо ҳамкорлиги борасида таъдиқот марказини яратиш бўйича таклифи долзарб аҳамиятга эга.

Мамлакатларимизнинг етакчи саноат корхоналари, инвестицион компаниялари, банк-молия институтлари ва тадбиркорлари ўртасидаги кооперация алоқаларни мустақамлаш, ҳудудлараро ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур.

Бу борада Ўзбекистон етакчиси томонидан таклиф қилинган ТДТнинг Тараққиёт банки яратилиши муҳим асос бўлиши мумкин.

Расмий Тошкент, ўз навбатида, савдо-иқтисодий ва инвестициявий алоқаларни мустақамлаш борасида фаол иш олиб бормоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатидаги ушбу йўналиш нақадар муҳимлигини фактлар ҳам тасдиқлайди. 2016 йилда юртимизнинг туркий дунё мамлакатлари билан савдо айланмаси 2 баробарга ўсиб, 7 миллиард доллардан ортди.



Туркий давлатлар бирдамлигини мустақамлашга қодир бўлган янги минтақавий йўлаклар ва логистик инфратузилмани ривожлантириш алоҳида эътиборга молик.

Ўзбекистон раҳбари таъкидлаганидек, асосий мақсадимиз — қуруқликдаги йўлларимиз ва денгиз портларини дунё бозорлари билан боғловчи ягона транспорт маконини шакллантиришдан иборат.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ТДТнинг транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик дастурлари айнан шу вазифани ҳал қилишга қаратилган.

Туркий давлатлар транспорт соҳасидаги боғлиқлиқни ривожлантириб, ўзаро савдо ҳажмларини кенгайтиришга эришади, глобал бозорларга кенг йўл очилади. Шу тарзда иқтисодиётлар ва инсонлар интеграцияси даражаси кўтарилади, Ташкилотнинг узок муддатли стратегиясида белгиланган мақсадларга эришилади.



Туркий давлатлар ўзаро ҳаракатининг яна бир асосий йўналиши, бу — Тўрттинчи саноат инқилобини илгари сурish бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш.

“Яшил” ва “ақлли” иқтисодиётларни яратиш барқарор тараққиёт ва ривожланишнинг таъминлашга қодир бўлган инновациялар, ноу-хау ва моделларни ишлаб чиқишда имкониятларни кенгайтириш учун пойдевор бўлиши мумкин.

Ахборот технологиялари ва илгор усулларни фаол жорий этиш қишлоқ ҳўжалиги каби аънаваний соҳа учун жуда муҳим. Ўзбекистонда июль ойида ўтган биринчи Туркий агрофорумда давлатларимиз озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоларига дўч келаётгани айтилиб, уларни ҳал қилиш имкониятларига эгаллигимиз кўрсатилди. ТДТ мамлакатлари нафақат бир-бирларига, балки жаҳон бозорига қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотларини катта ҳажмида етказиб беришга қодир.

Биргаликда олға интилиш истиқболларини белгиланган ҳолда, халқларимизнинг маънавий-ахлоқий қадриятлари, бой тарихи ва маданияти, кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро ишонч аънаваларига таяниш муҳим аҳамиятга эга.

Шу маънода, Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Туркий дунё бирлигига салмоқли ҳисса қўшган Мир Алишер Навоий номидаги халқаро муқофотнинг таъсис этилиши аҳамиятли воқеалардан бири бўлди.

Маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш доирасида биргаликда фестивал, концерт, маданий кунлари, ижодий жамоалар билан алмашинув кабилари амалга ошириш эътиборлидир.



Шу билан бирга, кўрсатиб ўтилган устувор мақсадларга минтақимизда тинчлик ва барқарорликни таъминламай туриб, эришиш мушкул вазифа эканини тан олиш даркор.

Халқаро вазиятнинг мураккаблашуви, зиддият ва қарама-қаршиликларнинг чуқурлашуви, глобал даражадаги ишончнинг йўқлиги хавфсизликка янги таҳдидлар туғдиради. Бундан ташқари, иқлим ўзариши, эпидемиологик касалликлар, деструктив ахборот оқимлари билан боғлиқ бўлган хавфлар кескинлашмоқда.

Янги имкониятлар ҳамда янги таҳдидлар ортаётган ҳозирги замонда туркий давлатлар бирдамлигини мустақамлашнинг давр талаб этмоқда. Ўзаро кучларни бирлаштирган ҳолда замонавий таҳдидлар ва хатарларга қарши курашиш, ўз манфаатларини илгари сурish, умумий муаммоларни ҳал қилиш енгилроқ кечади.

Бирок бу дунёни ўзимизники ва бегоналарга бўлиш, халқаро муносабатларда кучлар мувозанати аънаваларига қайтиш, дегани эмас.

Туркий давлатлар ташкилотини ривожлантириш стратегияси асосини инклюзивлик ва очиклик тамойилларига янада содиқлик ташкил этади. Туркий дунёнинг гуллаб-яшнаши доимо кенг қўламли мулоқотлар, халқларимизнинг ўз қўшнлари ва шерикларидан энг яхши фазилатларни ўзлаштиришга қодирлиги ва тайёрлиги тўғрисида таъминланган. Айнан шу нарса Ташкилотнинг муваффақиятли ривож топиши, унинг жаҳон майдонидаги обрў-эътибори мустақамлашнингнинг гарови ҳисобланади.

Ишчи гуруҳ (Ж.Ходжаев) тегишли ташкилотлар мутахассисларидан иборат кичик ишчи гуруҳларни тузган ҳолда мазкур Фармоннинг 8-бандига мувофиқ тартибда ва муддатларда мажбурий талабларни қисқартириш, уларнинг ягона реестрини шакллантириш ишларини ташкил этсин.

10. **Тадбиркорлик субъектларига қўшимча қулайлик яратиш ҳамда соҳадаги бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича чора-тадбирлар режаси** 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

11. Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда:

мазкур Фармон билан жорий этилган янги тартиб-таомилларни амалга ошириш механизмларининг Тадбиркорлик кодекси лойиҳасида назарда тутилишини таъминласин;

қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгаришриш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир уринбосари Ж.А.Ходжаев, адлия вазири Р.Қ.Давлетов ҳамда Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил Д.С.Касимов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Элдор АРИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Стратегик ва минтақалараро
тадқиқотлар институти
директори.

ЎЗА

Бугун Самарқанд яна бир нуфузли анжуман мезбони. Бу қутлуғ заминда Туркий давлатлар ташкилотининг саммити бошланмоқда. Шу муносабат билан боқий шаҳар таровати ҳар доимгидан ҳам ўзгача, байрамона тус олган.

Масъулият ва ташаббуслар

Сайфиддин ЖЎРАЕВ,
сиёсий фанлар доктори:

— Замонавий муносабатларда юз бераётган ўзгаришлар шароитида Ўзбекистоннинг дунёда, айниқса, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлиги фаоллашиб бораётгани кузатишмоқда.

Бугунги Самарқанд саммитида Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилоти билан боғлиқ жараёнларни ўта масъулият билан бажаришга киришади. Бундай мавқе Ўзбекистоннинг дунёда ва Туркий давлатлар ташкилоти мақомидаги ўрни юксалиб, мамлакатимизга стратегик ишонч ошиб бораётганини англатади. Сиёсий нуқтаи назардан Самарқанд саммити Ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг янги форматдаги биринчи учрашувидир.

Бунинг аҳамияти бир қатор жиҳатларда кўзга ташланади.

Биринчидан, минтақа миқёсида вуҷудга келган муаммоларни аниқлаш, уларни чуқур стратегик таҳлил этиш асосида ечиш бўйича Ўзбекистоннинг амалий тақлифлари ва ҳаракатлари натижаси кўзга ташланади.

Боиси, Ўзбекистон 2017 йилдан буён Марказий Осиёда дунё аҳамиятига эга янги сиёсий реаллик ва атмосфера вуҷудга келишида муҳим стратегик ташаббусларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, бизнинг Афғонистонга нисбатан ишончли қарашларимиз шакллангани, бу мамлакатни ҳам Марказий Осиёнинг ажралмас қисми сифатида қўриб, жафокаш афғон халқининг дарду ташвиши, муаммолари ҳақида қайғура бошлаганимиз ҳам минтақада катта эврилишларга замин яратди.

Иккинчидан, Ўзбекистон минтақавий аҳамиятли муаммоларни ҳал қилиш бўйича фаол мулоқот, фикр алмашиш майдонида айлангани, расмий Тошкент кун тартибига қўйилган масалалар бугун дунё миқёсида ҳам эътироф этилаётгани ўзаро боғлиқликда ривожланишининг янги таъминлаш асос бўлаётганини аниқлатади.

Ўзбекистон МДХ, ШХТ каби нуфузли халқаро тузилмаларга самарали раислик қилди. Туркий давлатлар ташкилотига раислик қилиш эса тарихий алоқаларни тиклашга йўл очди. Бунда асосий эътибор савдо-сотиқ, транспорт-логистика, туризм ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро алоқаларнинг янги имкониятларини ишга солиш учун шарт-шароит яратишга қаратилишига шубҳа йўқ. Шу маънода Ташкилот саммитида истиқболли ривожланиш стратегиялари белгиланганлиги муҳим аҳамият касб этади.

Айтиш керакки, Ўзбекистон Ташкилотнинг тўлақонли аъзоси бўлган, унинг доирасида янги ўзгаришлар, яъни режаларни ва тақлифларни ишлаб чиқишга тизимли ёндашув пайдо бўлди. Амалга оширилаётган тадбирларда мунтазамлик вуҷудга келди.

Учинчидан, Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилотига раислиги аъзо ва кузатувчи давлатлар ўртасидаги муносабатларда янги даврни бошлаб беради.



Туркий давлатлар ташкилоти ҳақида сўз юритганда, аввало, унга Ўзбекистоннинг тўлақонли аъзолиги билан бошланган бир қатор муҳим ўзгаришларни санаб ўтиш ўринли бўлади. Жумладан, Ўзбекистон аъзо бўлиши билан Ташкилот мақомини олган мазкур тузилма ўз доирасида туркий заминнинг асосий маконини қамраб олди. Бу билан утган қисқа даврда Туркий давлат-

лар ташкилотининг ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий, маънавий-маърифий мақсадлари янгича мазмун ва аҳамият касб эта бошлади.

Қуйида бир гуруҳ экспертларнинг Туркий давлатлар ташкилоти фаолияти ва бу маконда Ўзбекистоннинг ўрни ҳақидаги фикрлари билан танишасиз.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш — ҳамкорликнинг устувор йўналиши

Лайло ТОШПЎЛОВА,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги Истиқболли халқаро тадқиқотлар институтининг Барқарор ривожланиш маркази раҳбари:

— Ҳозирги вақтда озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси глобал характерга эга бўлиб бормоқда. Шу боис, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва савдо қилиш ҳар бир давлатнинг иқтисодий ривожланиши учун энг муҳим вазифалардан бирига айланди. Бу долзарб масала 2021 йилда қабул қилинган, Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар ҳамкорлигининг муҳим йўналишлари акс этган “Туркий дунё нигоҳи — 2040” истиқболли дастурий ҳужжатида ҳам устувор вазифа этиб белгиланган.

Айтиш жоизки, ушбу ҳужжат туркий тилли давлатлар ўртасида хавфсизлик, транспорт ва боғхона, ахборот-коммуникация технологиялари, энергетика, туризм, соғлиқни сақлаш, экология, қишлоқ хўжалиги, маданият, фан-таълим, ёшлар ва спорт, диаспоралар билан ишлаш каби устувор йўналишларда ҳамкорлиқни кенгайтириш бўйича “Йўл харитаси” ҳисобланади.

САМАРҚАНД САММИТИДА АЪЗО ВА КУЗАТУВЧИ МАМЛАКАТЛАРНИНГ САВДО-ИҚТИСОДИЙ, МАДАНИЙ-ТАДРИЖИЙ САЛОҲИЯТИНИ ЯНАДА ТЎЛИҚРОҚ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ УЧУН ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР ОЧАДИГАН ВА ГЕОИҚТИСОДИЙ ВАЗИЯТНИНГ ЗАМОНАВИЙ ВОКЕЛИКЛАРИ ШАРОИТИДА ОБЪЕКТИВ РАВИШДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ХАВФИНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ЁРДАМ БЕРАДИГАН БИР ҚАТОР ҲУҶЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ КУТИЛМОҚДА. БУ Йўналишдаги алоқалар ривожланиши минтақавий ва глобал муаммоларни самарали ҳал этиш ва барқарор ривожланишга замин яратди.

Ёшлар таълим-тарбиясидаги бирдамлик муҳити

Дилдора БОЗОРОВА,
юридик фанлар номзоди, профессор:

— 2021 йил 12 ноябрь куни Туркий давлатлар ташкилотининг Туркияда бўлиб ўтган саммитида савдо, инвестициялар, “яшил” иқтисодиёт, рақамли технологиялар, транспорт ва коммуникациялар, таълим ва маданият соҳаларидаги кўп қиррали муносабатларни ҳар томонлама кенгайтириш ва мустақамлаш масалалари атрофида муҳокама қилинган ўзаро боғлиқликда ривожланиш тенденциялари фоят муҳим эканини амалда осийотлаб берди.

Масалага шу нуқтаи назардан ёндашсак, ўша саммитда Президентимиз Шавкат Мирзиёев “Бугун ёш авлоднинг халқларимиз ҳаёти ва тақдирини, ўзаро муносабатларимиз ривожидидаги ўрни тобора ортиб бормоқда. Уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, креатив ғоя ва лойиҳаларини рағбатлантириш, миллий қадриятларимизга ёт бўлган таъсирлардан асраб-авайлаш барчамизнинг асосий вазифаларимиздан биридир”, дея таъкидлаб, бу борада бир қатор муҳим ташаббусларни илгари сургани ҳам фоят ҳаётий зарурат эканини англаб этиш қийин эмас.

Туркий давлатлар ташкилоти доирасида ёшлар тарбияси, таълим, маънавий-маърифий соҳаларда ҳам ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга ошириш муҳим. Ташкилотга аъзо мамлакатлар аҳолисининг 40 фоизини ёшлар ташкил этиши инобатга олинса, ёш авлоднинг ўқитиш, тарбиялаш, муайян касб эгаси қилиб тайёрлаш, жамият ва тадбиркорлик соҳаларига кенг жалб этиш мақсадида турли лойиҳаларни амалга ошириш долзарб вазифалардан саналади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Президенти иқтидорли ёш авлод вакилларини тадбиркорлик соҳасига кенг



Шу ўринда айтиш жоизки, бугунги кунда “Озиқ-овқат хавфсизлиги” атамасининг замонавий талқини нафақат иқтисодий жиҳатларга, балки ижтимоий адолат тамойилларига ҳам асосланади. Бунда иқтисодий, ижтимоий ва экологик сийosat чоралари камбағалликни бартараф этиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, озиқ-овқат тизимининг барқарор фаолиятини йўлга қўйишга қаратилган.

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш БМТ томонидан эълон қилинган Барқарор ривожланиш мақсадларининг муҳим стратегик юксалиш йўллари билан бирдир. Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммосини комплекс равишда, яъни аҳоли даромадлари, аграр, инвестиция ва тақши савдо сийosatлари орқали ҳар томонлама ҳал қилиш лозим. Айни пайтда мамлакатимизда бу борадаги долзарб вазифалар бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар билан ҳамкорликка ҳам алоҳида эътибор қаратилаётир.

Бу йўналишда 2022 йил июль ойида Тошкентда ТДТга аъзо давлатлар қишлоқ хўжалиги вазирларининг йиғилиши ва биринчи Туркий агрофорум бўлиб ўтди. Унда Ташкилот доирасида озиқ-овқат хавфсизлиги муаммолари тегишли вазирликлар, халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг 300 дан ортиқ масъули ва кузатувчиси ҳамда ишбилармон доира вакиллари иштирокида қўриб чиқилди. Бунда савдо-иқтисодий ҳамкорлик салоҳиятини кенгайтириш, жумладан, тўсиқларни бартараф этиш, хавфсизлик сертификатларини ўзаро тан олиш, озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича “яшил йўлақлар”ни яратиш ва илгари суриш орқали қўмақлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, жорий йил ёзда ТДТга аъзо давлатлар хавфсизлик кенгашлари котиблари ва Ташкилот кузатувчиларининг учрашуви доирасида озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасидаги замонавий муаммолар ва таҳдидларни бартараф этиш бўйича фикр алмашилди. Бу масаланинг ўзаро боғлиқ, трансчегаравий хусусиятига эга эканини ҳисобга олсак, ТДТ мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик салоҳиятини кенгайтириш мақсадида минтақавий мувофиқлаштиришни таъминлаш муҳим ўрин тутайди.

Самарқанд саммитида аъзо ва кузатувчи мамлакатларнинг савдо-иқтисодий, маданий-тадрийжий салоҳиятини янада тўлиқроқ рўёбга чиқариш учун янги имкониятлар очадиган ва геоиқтисодий вазииятнинг замонавий воқеликлари шароитида объектив равишда юзага келадиган озиқ-овқат хавфсизлиги хавфини бартараф этишга ёрдам берадиган бир қатор ҳужжатлар қабул қилиниши кутилмоқда. Бу йўналишдаги алоқалар ривожланиши минтақавий ва глобал муаммоларни самарали ҳал этиш ва барқарор ривожланишга замин яратди.

Ёшлар таълим-тарбиясидаги бирдамлик муҳити

меъморчилик соҳасида улкан ютуқларга эришган ижодкорларини рағбатлантириш мақсадида “Халқаро Турксий” ҳамда буюк мутафаккири ва шоир Алишер Навоий номидидаги халқаро мукофотни таъсис этишни ҳам илгари сурди.

Ўзбекистон маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлиқни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратиб, мазкур йўналишда Ташкилотга аъзо ҳар бир мамлакатда ўз тилида туркий халқлар адабиётининг нодир дурдоналарини ўзида жамлаган “Туркий адабиёт хазинаси” деб номланувчи 100 жилдлик китоблар туркумини чоп этишни тавсия қилди.

Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар ўзаро ҳамкорликда илмий-таҳлилий материаллар, илмий тадқиқот ишлари, бадиий, театр ва кино асарлари, видеоориликлар, китоблар ва бошқа кўринишдаги маънавий-маърифий нашрларни тайёрлаш бўйича амалий ишлар бошлаб юборилган. Бундан кўзланган мақсад — ташкил этиладиган турли тадбирлар ва лойиҳалар орқали туркий халқлар ёш авлод вакилларининг ўзаро маданий

яқинлашувига эришиш, уларда миллий урф-одатлар ва аждодларга ҳурмат каби юксак қадриятларни шакллантиришдан иборат.

Ташкилотга аъзо мамлакатлар фондларида сақланаётган нодир асарларни тадқиқ этиш, таржима қилиш, уларнинг ягона электрон базасини яратиш муҳим илмий ишлардан. Биргина Ўзбекистон фондларида ташкилот мамлакатларининг муштарак тарихи ва маданиятга алоқадор 200 мингдан ортиқ ноёб кўлемда асарлар сақланмоқда. Ана шу манбаларни биргаликда тадқиқ этиш, қардош халқлар тилларига таржима қилиш мақсадида Туркий давлатлар ташкилоти аъзоларининг “Тарихий, илмий ва маданий меросини ўрганиш тадқиқот маркази”ни ташкил этиш тақлиф қилиниши ҳам муҳим қадам бўлади.

Бир сўз билан айтганда, бугун Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар қардошлиқ ва бирдорлик руҳидаги ҳамда иқтисодий манфаатлар устуворлиги асосида шакллантирилган ҳамкорликнинг янги босқичи сари дадил қадамлар билан одимламоқда.

Туркий давлатлар ташкилотининг саммити доирасида Самарқанд шаҳрида бир қатор муҳим тадбирлар, учрашувлар бўлиб ўтди.

Нуфузли тадбирнинг бундай қизгин, ишчан руҳда бошланишида ҳам катта рамзий маъно бор. Негаки, Туркий давлатлар ташкилоти Евроосийдаги янги геоиқтисодий воқеликлар таъсирида юзага келган минтақавий даражадаги янги феноменини шакллантирмоқда.

Бу, бир томондан, янги тарихий ва геоиқтисодий шароитда Буюк ипак йўлининг замонавий кўринишда тикланиши заруратини юзага келтираётган бўлса, иккинчи томондан, ТДТга аъзо барча давлатларни ўз ичига олган Марказий Евроосийда интеграция ҳаракатларини кучайтиришга эҳтиёж туғдирмоқда.

Шу маънода, Самарқанд саммити ўзгараётган дунёда биргаликда, ҳам-жиҳатликда ривожланишининг, халқларимиз фаровон ҳаётини, фарзандларимиз порлоқ келажагини таъминлашининг муҳим омилларини руҳлантиради, деган қатъий ишонч пайдо бўлади.

“Янги Ўзбекистон” мухбирлари
Лутфулла СУВОНОВ,
Баҳор ХИДИРОВА тайёрлади.

УЛАР ОСИЁНИНГ ЭНГ ЕТАКЧИ УНИВЕРСИТЕТЛАРИ ҚАТОРИДАН ЖОЙ ЭГАЛЛАДИ

Раима ШИРИНОВА,
Ўзбекистон Миллий университетининг
халқаро алоқалар бўйича проректори

QS (Quacquarelli Symonds World University Rankings) халқаро рейтинг агентлиги ташаббуси билан Индонезия пойтахти Жакартада “Осиё-Тинч океани минтақасида олий таълимнинг янги имкониятлари ва долзарб масалалар ечими” мавзусида халқаро саммит бўлиб ўтмоқда. Иштирокчилар Осиё-Тинч океани минтақасини ривожлантириш тенденциялари, жумладан, олий таълим тизимида ўқитиш сифатини ошириш ва халқаро миқёсда рақобатбардош кадрлар тайёрлашда ҳамкорликни йўлга қўйиш каби қатор масалаларни муҳокама қилмоқда.

Саммит доирасида QS халқаро рейтинг агентлигининг Осиё-Тинч океани минтақасидаги олий таълим муассасалари бўйича рейтингни ҳам эълон қилинди. 2023 йил учун Осиёдаги университетлар рейтингига мамлакатимизнинг 8 та олий таълим муассасаси илк бор қитъанинг энг етакчи университетлари минталигидан жой

олди. Булар ТИҚХММИ Миллий тадқиқот университети, Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат техника университети, Тошкент молия институти, Самарқанд давлат университети, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент давлат педагогика университети, Қорақалпоқ давлат университети.



Мазкур рейтингда Марказий Осиё давлатлари ҳамда ривожланаётган мамлакатлар олий таълим муассасалари вакиллари биринчи маротаба иштирок этаётди. Бундан кейин Марказий Осиё худудий рейтингни бекор қилиниб, унда жойлашган давлатлар олий таълим муассасалари Осиё университети рейтингини билан бир қаторда тартибланади. Натижалар университётлар учун алоҳида ёндашув методологияси асосида эълон қилинади. Бу йилги рейтингдан 757 та университетнинг натижаси жой олган бўлиб, 34 та ОТМ янги иштироки ҳисобланади.

Президентимизнинг 2021 йил 10 декабрдаги “Иқтисодийёт тармоқлари учун муҳандис кадрларни тайёрлаш тизимини инновация ва рақамлаштириш асосида тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида ТИҚХММИ Миллий тадқиқот университетини трансформация қилиш ва комплекс ривожлантириш дас-турини амалга ошириш ҳамда 2025 йилга қадар халқаро тан олинган ташкилотларнинг олий таълим муассасалари рейтингига биринчи мингалик рўйхатига кириштириш вазифалари белгиланган эди.

Қувонарлиси, қарорда белгиланган вазифалар ижроси доирасида қилинган ишлар самараси ўлароқ, ТИҚХММИ Миллий тадқиқот университети QS Asia University Rankings-2023да Осиё-Тинч океани минтақаси университетлари орасида 301-ўрин, Ўзбекистон олий таълим муассасалари орасида 1-ўринда қайд қилиниб, 40 фоизли энг илғор университетлар қаторидан жой олди.

Ўзбекистон Миллий университети ҳам Осиё университетлари рейтингига кирди. Бу натижага эришилгани бежиз эмас. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонида мувофиқ, Ўзбекистон Миллий университети халқаро рейтинг агентликлари билан мунтазам алоқа ва ҳамкорликни йўлга қўйган. QS халқаро экспертлари томонидан таҳлил қилинганда олий таълим муассасасининг натижалари “Халқаро ҳамкорлик” рейтингига 141-ўриндалиги, бу университетнинг энг кучли жиҳати экани алоҳида қайд этилди. Шунингдек, академик салоҳияти бўйича 165, битирувчиларига иш берувчиларнинг нуфузига кўра 251+ ўринни эгаллаб, умумий рейтингда 351-ўрин билан энг илғор 500 университет қаторидан жой олди.

Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида 2026 йилга қадар 10 та салоҳиятли олий таълим муассасасини QS ва THE халқаро рейтингларига киришга мақсадли тайёрлаш, олий таълим муассасаларининг бу рейтингларга кириши учун мақсадли дастур ишлаб чиқиш белгиланган. Шунингдек, 10 та салоҳиятли олий таълим муассасасини танлаш, салоҳияти ва ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, халқаро рейтингларга кириштириш бўйича 5 йилга мўлжалланган мақсадли дастурлар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш кўзда тутилган. Ана шу муҳим вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида юртимиз ОТМлари нуфузли халқаро рейтингларда муносиб иштирок этмоқда.

Айтиш жоизки, ҳар бир рейтинг турли шарт ва завоилардан иборат бўлса-да, уларнинг ўзига хос мақсад-муддаоси мавжуд. Жумладан, QS Asia University рейтингини университетларнинг таълим ва илмий тадқиқот фаолиятидаги рақамлар мувофиқлиги асосида сифатли ўқитиш жараёни мавжудлигини белгилайди. Шу маънода, Ўзбекистон Миллий университетининг халқаро рейтинглардаги кўрсаткичи юқорилаётгани мамлакатимизда таълим соҳасидаги тизимли янгиланишлар самара бераётганини кўрсатади.

ФИНЛЯНДИЯ ТАЖРИБАСИ

Петри ЛУНАСКОПРИ:

ТАЪЛИМДА ЎЗГАРИШЛАР ТЕЗДА КЎЗГА ТАШЛАНАДИ

Юртимизда халқ таълими соҳасидаги ижобий ўзгаришлар ҳам жадал тус олапти. Президентимиз ташаббуси билан ривожланган давлатлар тажрибалари ўрганилиб, умумтаълим мактабларида амалиётга татбиқ этилмоқда.

Хусусан, 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижроси ҳамда жорий йилнинг 28 январь ва 5 апрель кунлари Президентимиз раҳбарлигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида берилган топшириқларга асосан Қашқадарё вилоят ҳокимлиги Тошкент шаҳридаги Халқаро Нордик университети билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Бугунги кунда ижобий натижалар кўзга ташлана бошлади.

Жумладан, таълим тизими кенг ривожланган Финляндия тажрибасини амалда ўрганиш ҳамда ўқитувчилар малакасини ошириш мақсадида етакчи мутахассис жалб этилди.

Жорий йилнинг сентябрь ойидан Финляндиянинг Савония университети профессори Петри Лунаскопри Қашқадарё вилояти ҳокимининг таълим масалалари бўйича маслаҳатчиси сифатида иш бошлади. Айни пайтда у бир қатор лойиҳалар устида иш олиб бормоқда.

Петри Лунаскопри педагогика фанлари доктори ва педагогика йўналишида халқаро даражадаги мутахассис ҳисобланади. У 20 дан ортиқ давлатда К12 олий таълим бўлимининг ўқитиш кизматларида тренер сифатида тажрибага эга бўлиб, Финляндиядан ташқари Нидерландия, Англия, Португалия ва Венгрия давлатларида ишлаган. Финляндия таълимнинг ривожланишига туртки бўлган концепция муаллифи ҳам ҳисобланади.

Ҳозирда хорижлик профессор вилоятда таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган ушбу йиллик дастурни ишлаб чиқмоқда. Туман ва шаҳарлар халқ таълими бўлиминдан икки нафардан методистнинг Финляндияда малакасини оширишига бош-қош бўлмоқда. Шунингдек, вилоят педагогларини янги методикаларга ўргатиш миллий марказини такомиллаштириш устида иш олиб борапти.

— Ўтган икки ойдан ортиқ вақт мобайнида Қашқадарёдаги эллиқдан ортиқ мактаб фаолияти билан яқиндан танишиб, таълим жараёнини ўрганиб чиқдим, — дейди Петри Лунаскопри. — Натижада бир қатор хулосаларга келдим. Ютуқ ва камчиликларини аниқладим. Хулосаларим ҳақида ўртоқлашадиган бўлсам, мамлакатимизда бу борада кенг қўлмалли ҳаракатлар олиб боришмоқда. Болаларнинг баркамол авлод сифатида вояга етиши йўлида қилинаётган ўзгаришлар ҳавасимни оширди. Мамлакат раҳбарининг бу борада бир қатор фармон ва қарор қабул қилгани, мактабларда шароитлар яратиши, ўқитувчиларни рағбатлантириш борасида берилаётган имтиёزلар яхши самара беришига ишонаман.

Таълим масканларида бўлар эканман, ўқувчилар жуда одобли, маданиятли ҳамда билимга чанқоқ эканига ишончимиз ортмоқда. Уларнинг чанқаб турган кўзларидан янгиликка интилиши кучлилигини сезиш қийин эмас. Мавжуд шароит ўқитувчиларнинг билим бериши учун ҳам жуда қулай.

Эътибор қаратиш лозим бўлган жиҳатлардан бири — соҳани ривожлантириш мақсадида бир қатор изланишлар амалга оширилган бўлса-да, аммо таълим беришда ҳалигача эскича тартиб сақланиб қолган. Бу эса тизимда янги босқичга ўтиш вақти келганини ағла-тади. Шунингдек, яна бир муаммоли тарафи, ўқитувчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида ҳам эскича ёндашувлар мавжуд. Бу ўқувчиларга билим бериш методикасида ҳам бор. Яна бир томони, билим беришда ўқувчилар фақатгина тест жараёнларида яхши натижа олишига қаратилгани. Бу жараён эса ёшларда фақатгина тест учун ўқиш керак, деган тасавурни шакллантиради. Ахборот технологиялари даврида бу қотиб қолган тушунчаларни ўзгариштириш лозим.

16 та мактаб танлаб олинди

— Давлатимиз раҳбарининг тегишли топшириғига асосан юртимизда халқ таълимини ривожлантириш янги босқичга олиб чиқилмоқда, — дейди Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Мақсуд Панжиев. — Жорий йил сентябрь ойи бошида иш бошлаган хорижлик мутахассис ўз тажрибалари билан яқиндан ўртоқлашмоқда. Мактаб ўқитувчилари учун семинар-тренинглар ўтказилмоқда. Узининг бор малакасини ишга солиб, тизимга янгиликлар олиб кириш устида иш олиб борапти. Ҳозирча вилоятимизда 16 та умумтаълим мактаби танлаб



олиниб, синов тариқасида Финляндия тажрибаси жорий этилмоқда. Бунинг учун Петри Лунаскопри жойларда иқтидорли ўқитувчиларни ҳамкорликка таклиф қилган.

Бугунги кунда Финляндия таълими дунёдаги энг етакчи ўринлардан жой эгаллаб келмоқда. Жумладан, кейинги пайтда давлатимиз раҳбари томонидан халқ таълими тизими борасида ўтказилган йиғилишларда айнан Финляндия давлати мисол қилиб кўрсатилди. Ушбу мамлакат ҳозирда таълим сифатини баҳолаш бўйича ўтказилган халқаро тадқиқотларда ўз муваффақиятлари билан ажралиб туради. Финляндияда ўқувчилар таълим сифатини баҳолаш йўналишларида саводхонлик кўрсаткичлари бўйича энг яхши натижаларга эришиб келаётганини сир эмас. Демак, юқорида айтилганидек, синов тариқасида 16 та мактабда бошланаётган жараёнлар тез орада бутун вилоятга кенг татбиқ этилади.



Бир гуруҳ мутахассислар иш бошлайди

Петри Лунаскопрининг маълум қилишича, айни кунларда бир қатор муҳим ўқув дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Бу асосида келгусида иш олиб борилади. Бунинг учун унга барча имкониятлар яратиб берилган.

— Албатта, самарага эришиш учун бир оз вақт талаб этилади, — дейди финляндиялик профессор. — Қолаверса, бу бир кишига боғлиқ жараён эмас. Кейинчалик Финляндиядан яна бир гуруҳ мутахассисларни таклиф этиш режамизда бор. Шунда режаларимизни амалда бажаришга киришамиз.

Ўтган вақт давомида қилинадиган иш таксимотини тузиб олдим. Жумладан, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш худудий марказида педагоглар учун беш кунлик доимий тренинглар ташкил қилинган. Бу марказ соҳадаги янгиликларнинг энг қуйи бўғинига етиб боришида асосий вазифани бажариши лозим. Сабаби бир йилда бир марта барча ўқитувчилар ўз билим ва малакасини ошириб боради. Шу боис, бу ерда таълим ислохотларини йўлга қўйишда, аввало, марказларнинг масъулиятини оширишга жиддий қараш керак бўлади.

Нега деганда, ўқитувчининг билим ва салоҳияти қанчалик кучли бўлмасин, у кўп йиллар давомида ўзгармаган ўқув дастурлари ва дарс режалари билан қуроллантирилса, қўтилган самарага эришиб бўлмайди. Юртингиз таълим тизимидagi асосий муаммо ҳам ўқитувчиларнинг ҳозирга қадар назарий методларга таяниб дарс бераётганида. Яъни ўқувчи дарсда бериладиган назарий билимларни ўзлаштиргани билан, уни амалда қўллаш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлмаяпти.

“**ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ СЕНТЯБРЬ ОЙИДАН ФИНЛЯНДИЯНИНГ САВОНΙΑ УНИВЕРСИТЕТИ ПРОФЕССОРИ ПЕТРИ ЛУНАСКОПРИ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҲОКИМИНИНГ ТАЪЛИМ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЧИСИ СИФАТИДА ИШ БОШЛАДИ. АЙНИ ПАЙТДА У БИР ҚАТОР ЛОЙИҲАЛАР УСТИДА ИШ ОЛИБ БОРМОҚДА. ПЕТРИ ЛУНАСКОПРИ ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ ВА ПЕДАГОГИКА ЙЎНАЛИШИДА ХАЛҚАРО ДАРАЖАДАГИ МУТАХАССИС ҲИСОБЛАНАДИ.**

Энг муҳими — ўқитувчилар малакаси

Финляндиялик мутахассиснинг фикри кўра, ўзгаришларга ҳаракат, энг аввало, кичик қадамлардан бошланади.

— Стратегиямиз жуда оддий, — дейди хорижлик мутахассис. — Яъни, энг асосийи, ўқитувчиларни янги ва замонавий билим беришга тайёрлаш. Барчага маълумки, бугун ҳар бир соҳада ахборот технологиялари кенг жорий этилган. Бир оз муддат аввал технологиялар фақатгина маълум бир доира вакилларида мавжуд эди. Бугун барча учун кенг имконият очилган. Ҳозирда ҳар биримиз замонавий мобил телефондан фойдаланишни биламиз. Аммо яна ўн-ўн беш йилдан сўнг бу тизим қайси томонга қараб кетиши ҳақида айтиш мушкул. Айнан шу нарсага ўқувчиларни ҳам мослаштириб бориш лозим. Таълим мақсадлари мунтазам ўзгариб бораверади. Ҳозирда олдимизда турган энг асосий масалалардан бири — бугунги кун талабларига мос равишда кадрларни тайёрлаш.

Бу борада ўқувчиларга келажақда ҳақиқатан керак бўладиган малака ва кўникмаларни сингдириш лозим. Яъни билим олувчи ёшлар мавжуд кўникмалар орасидан ўзлари учун керакли бўлганларини танлаб олиш имкониятига эга бўлиши керак.

Яна бир нарса, бу ерда ота-оналар ҳам фарзандлари билимига жиддий эътибор қаратиши лозим. Яъни мактабга ишонмасдан қўшимча равишда пул сарфлаб, репетиторга жалб этишининг олдини олиш лозим. Бунинг учун мактабда сифатга ўзгариштириш, ота-оналарнинг фарзанди шу ернинг ўзида қўшимча ўқимасдан ҳам яхши натижага эриша олишига ишонтира олиш керак.

Бу, албатта, бир оз вақт талаб этади. Ҳаракатларимиз натижасини келгуси йил март-апрель ойларида амалда кўрасиз.

Финляндия муваффақиятларининг сири нимада?

Маълумотларга кўра, ўқитувчилар салоҳияти Финляндия таълим тизимининг муваффақияти ҳисобланади.

Шу билан бирга, таълимда тенг шароитлар, узок муддатли таълим сиёсати, ишонч маданияти ва мустақил таълим олиш оdatига уруғ бериш, бу — муваффақиятнинг бошқа омиллари ҳисобланади. Ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасидаги юқори даражадаги ҳамкорлик таълим тизимининг узлуқсиз ишлашига ёрдам беради.

Финляндия қирқ йилдан зиёд вақт мобайнида кенг қамровли ва узок муддатли таълим ислохотини олиб бормоқда. Бу давлатнинг соҳадаги ютуғи изчил ва узок муддатли таълим ислохоти билан чамбарчас боғлиқ. Шунингдек, бу юрт муваффақиятлари сирини ўрганаётган қўллаб-тадқиқотчилар бир-бирига боғлиқ бўлган турли хил омилларга асосланишни таъкидлайди. Уларни уч гуруҳга ажратиш мумкин: ўқитувчилар салоҳияти, таълим сиёсати ва фин маданияти.

Педагогларнинг юқори салоҳияти, биринчи навбатда, ўқитувчиларни тайёрлаш бўйича ўқитиш дастурларига боғлиқ. Энг яхши ўрта мактаб битирувчилари бўлажак ўқитувчи сифатида танлаб олинади. Булажак ўқитувчилар учун алоҳида ўқув мактаблари белгиланади ва улар оdatда ўқув вақтларининг 10-15 фоизини ушбу мактабларда ўтказишади. Мактаблар талаба-ўқитувчиларга барча керакли материаллар билан таъминланган алоҳида хона ажратиб беради. Талаба-ўқитувчилар дарсини кузатиш билан биргаликда таълим жараёнида ҳам фаол иштирок этиб, катта тажриба тўплайди ҳамда мактаб жамоаси ва ўқувчилар ҳам улардан жуда фойдали ёрдам олади.

Ўқитувчиларнинг таълим тизимидаги мослашувчанлиги ва мустақиллиги ҳам таълим сифатини таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Ўқитувчилар малака ошириш курсига қўшилишни хоҳласа, маъмурий доимо уларни қўллаб-қувватлайди. Ўқитувчилардан фақатгина малака ошириш дастурида ўрганган нарсаларини мактабдаги бошқа ўқитувчилар билан ўртоқлашиши сўралади.

Иккинчи гуруҳ сифатида қайд этилган Финляндия таълим сиёсатининг тўртта муҳим жиҳатига эътибор қаратиш лозим. Уларга изчил ва узок муддатли сиёсат, билимга асосланган жамиятга содиқлик, таълим соҳасидаги ваколатларини кенгайтиришлар кирди. Мазкур тўртта жиҳат 1970 йилдан буён муваффақиятли таълим ислохоти асосларини ташкил этди. Натижада эса кучли таълим тизими яратилди.

Демак, финляндиянинг соҳада ўрганишга аризулик жиҳатлари кўп. Бу борада юртимизда изчил одимлар ташланган экан, яқин келажақда ўзгаришлар юз берди. Зеро, тараққиёт сари қилинган ҳар бир ҳаракат ўз самарасини бермай қолмаган.

Ақбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

ТАРИХИНГДИР МИНГ АСРЛАР...

“ТУРК” СЎЗИ ИЛК БОР ҚЎЛЛАНИЛГАН ТОШБИТИК

Тарих зарварақлари барча туркий халқлар тили, анъана ва урф-одатлари бир-бирига нечоғлиқ яқин эканидан гувоҳлик беради. Бугун туркий мамлакатлар бу ришталарни умумий қадрият сифатида қадрлаб, мустаҳкамлаб келмоқда.



Нозлия НОРМУРОВА,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети проректори, филология фанлари доктори

Туркий халқларнинг келиб чиқиш тарихи миллоддан аввалги минг йилликларга бориб тақалади. Эфталитлар, Турк хоқонлиги, Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжукийлар ва Хоразмшоҳлар каби қадимги туркий давлатлар ўз даврининг энг қудратли салтанатларидан бўлган. Уларнинг таъсирида туркий тил ва халқларнинг турмуш тарзи кенг ёйила бошлаган. Шунингдек, илм-фан, маданият ва санъат юксак ривожланган, қўллаб-қувватловчи алломулар етишиб чиққан. Уларнинг улкан кашфиётлари, нодир асарлари нафақат туркий тили халқлар, балки бутун жаҳон цивилизацияси ривожига салмоқли ҳисса қўшди.

Дунё тарихида туркий халқлар асос солган қадимий давлатлар, уларнинг заминидан ривож топган маданият ва тамаддунлар алоҳида ўрин тутлади.

Туркий халқларнинг муштарак ёдгорлиги саналган Ўрхун-Энасой обидалари, Махмуд Кошғарийнинг “Девону лугатити турк” асари ва бошқа қўллаб-қувватловчи аждодларимизнинг нақадар юксак ақл-заковат, салоҳият ва идрок соҳиби бўлганидан дарак беради.

Ноёб топилма

Инсон доимо ўз ўй-хаёллари, фикр ва оруз-умидларини у ёки бу шаклда бошқаларга етказишга ҳаракат қилган. Бу мақсад етишнинг энг қадимги ва энг оддий усули — тош юзасига тасвирлар солиш ҳамда ёзувлар битиш бўлган. Ғорлар ва тошлар, сопол юзасига солинган тасвирлар ва битиклар мана шундай ифоданинг қадимий шаклидир.

Жорий йил 10-11 ноябрь кунлари Туркий давлатлар ташкилотининг Самарқанд шаҳрида ўтказилган биринчи самми-



тида иштирок этиш учун юртимизга ташриф буюрган Халқаро туркий академия президенти вазифасини бажарувчи Фузули Маждили бошчилигидаги делегация аъзолари билан қатор тadbир ва учрашувлар уюштирилмоқда. Хусусан, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида Халқаро туркий академия билан ҳамкорликда атоқли турколог ва педагог Аҳмет Бойтурсунов таваллудининг 150 йиллигига бағишланган халқаро конференция ўтказилди. Tadbир доирасида Халқаро туркий халқлар илмий археологик экспедицияси фаолияти натижасида топилган ноёб топилма ва Элтериш Қўтлук хоҳон шарафига ёзилган стелла тақдироти ҳам бўлди.

Бу қадимий битиктош 2022 йил август ойида Мўғулистоннинг Номгон текислигидан топилган. У туркий тилларни ўрганиш ва ривожлантиришга хизмат қиладиган улкан кашфиётдир. Култегин ва Билга хоқоннинг отаси Элтериш Қўтлук Билга Тўноққунинг дўсти ва кирғиз хони Барсбек хоқоннинг қайноғасидир.

У еттинчи аср охирида туркларнинг истиқбол учун курашини бошлаб, турк давлатини қайта тиклайди ва Иккинчи Турк хоқонлигини барпо этади. XIX аср охирида топиладиган Култегин, Билга хоқон ва Тўноққун битиктошларидан сўнг бу битиктош турк цивилизацияси ва ёзуви тарихидан сўйловчи, сўнги бир юз ўн тили илмий қўлга киритилган ниятда муҳим топиладиган.

Ушбу тарихий ёдгорлик уч асрлик парчаланиш, таназзул ва чекинмишдан сўнг турк дунёси тиклана бошлаган бир пайтда топилиши ҳам чуқур маънога эга. Бу битиктош “турк” сўзи илк бор қўлланилган миллий ёзма манбаи бўлиб, қадимги турк-ўрхун ёзувининг тарихини янада узоқроққа етказди.

Лингводидактик платформа — қардош халқлар тилини ўрганишда муҳим восита

Яна бир янгилик — Туркий академия ҳамда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан ҳамкорликда терминлар лугати яратилиб, онлайн платформа ишга туширилди.

Охириги йилларда туркий давлатлар ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлик алоқалари янги босқичга қўтарилдики, бу илм-фан, маданият ва адабиёт соҳаларида ҳам янги бир даврни бошлаб берди. Бу борада Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Туркий халқларнинг муштарак тарихи, тили ва адабиётини тадқиқ этиш бўйича комплекс ишлар олиб бориляпти. Биргаликда очилган янги таълим йўналишлари, илмий тадқиқотчилар тайёрлашдаги ҳамкорлик, илмий изланишлар ўз самарасини бермай қолмайди.

Ўзбек ва қардош халқларнинг алоқалари қайси жаҳода бўлмасин, миллий тилларни пухта билишни тақозо этади. Кейинги йилларда ўзбекча-туркча, туркча-ўзбекча лугатлар яратиш борасида сезиларли ишлар қилинди.

Бу хайрли амаллар давоми сифатида олий таълим муассасасида 2020 йилдан бошлаб “Туркий тилларнинг электрон лингводидактик платформа-си”ни яратиш бўйича изланишлар олиб боришмоқда. Мазкур платформадан туркий тилларни ўрганишни истаган кенг омма, олий таълим тизимидаги туркий филология мутахассислари таълимий ресурс сифатида фойдаланиши мумкин. Шунингдек, у Ўзбекистонда яшаётган қозоқ, турк, озарбайжон, кирғиз, татар миллатига мансуб юрдошларимизнинг ўз она тилларини ўрганиши учун шу пайтгача мавжуд бўлмаган яхлит электрон ресурс эҳтиёжини қоплаш вазифасини бажаради.

Лойиҳа доирасида мамлакатимизда турк, озарбайжон, қозоқ, кирғиз, татар тилида сўзлашувчи аҳоли учун ўзбек тили билан бирга ўз она тилини, қардош туркий халқлар тилини ўрганишга мўлжалланган лингводидактик (тил ўргатишга мўлжалланган) материаллар, аудио ва видеороликларни ўзига жамлаган электрон платформа яратилиши қўзда тутилган.

“Туркий тилларнинг лингводидактик электрон платформаси” ўзбек тилининг миллий корпуси ҳамда компьютер лингвистикаси соҳасининг муҳим манбаси ҳамда Ўзбекистонда ўзбек ва қардош туркий тиллар таълими учун лингводидактик платформани вазифасини ўташи олади.

Ушбу платформани яратишга Ватанимиз тарихи, жаҳонга машҳур туркий алломулар ҳаёти ва ижоди, қардош миллатларнинг фазилатлари, миллий қадриятлари, бой маънавиятини акс эттирувчи матнларни ўрганишга қизиқиш ортишига туртки бўлди.

Туркий халқларнинг бадий ижоди мо-зийнинг жуда қадим қатламларига туташади. Битиктош мана шу тарихни муҳаммал билишимизда бир омил ўлароқ хизмат қилса, лингводидактик платформа қардош халқлар тилларини ўрганишимизда яхшигина дастёр бўлади.

ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР

КИНО санъатининг сардорлари



Шоҳира РАУФБОЕВА,
журналист

1-5 ноябрь кунлари Туркиянинг Бурса шаҳрида “Қўрқут ота” туркий халқлар кинофестивали бўлиб ўтди. Унинг доирасида туркий тилда сўзлашувчи 17 давлатдан ташриф буюрган киноижодкорлар саммити ташкил этилди. Тадбирда ўзаро ҳамкорлик, истиқболдаги вазифалар ҳақида сўз юритилди ҳамда киноижодкорлар ҳамкорлик лойиҳалари питчингини тақдим этди. Хўжа Насриддин ҳақида ўзбек кинематографлари томонидан яратилган 16 қисмдан иборат анимацион фильм лойиҳаси саммитда биринчи бўлиб намоиш қилинди.

— “Инсон” ҳужжатли фильми Ўзбекистоннинг янгиланаётган кино саноати ўлароқ халқаро даражада юксак эътирофга сазовор бўлгани билан ижодий жамоамизни табриклайман. Бугунги Ўзбекистонда инсон сиёсий, иқтисодий ва маданий

қилувчи “Аёл қисмати” бадий фильми эса “Энг яхши бадий фильм” номинациясида ғолибликни қўлга киритди.

— Бурсада бўлиб ўтган кино фестивалида ўзбек киноижодкорлари эришган муваффақият бугун мамлакатимизда кино санъати ва са-



ҳаётнинг марказида турибди. Фильмимиз қаҳрамонлари ҳам орамиздаги инсонлар, — дейди фильм муаллифи ва режиссёри Фуркат Усмонов.

Кинематография агентлиги бюроти-масига асосан “Dislish media” киностудиясида режиссёр Дилмурод Масаидов томонидан суратга олинган ва адабиёт Суряга кетган ватандошларимизни юртимизга қайтариш бўйича махсус операция ҳақида ҳикоя

ноатиға қўрсатилаётган эътибор ва имкониятлар самарасидир, — деди Дилмурод Масаидов. — Фестивалда картиналаримиз олий мукофотларга лойиқ қўрилгани, катта кино дунёсига кириб келаётган ёшларимизнинг қисқа метражли фильмлари ҳам алоҳида эътирофга сазовор бўлгани Янги Ўзбекистон ёшларининг дунё киноси-га айтиладиган ўз сўзи борлигини яна бир бор исботлади.

МОЗИЙГА НАЗАР

ФАРҒОНАНИНГ БЕТАКРОР САНЪАТ МАКТАБИ

Султонали МАННОПОВ,
Ўзбекистонда хизмат қўрсатган артист,
Фарғона давлат университети кафедра мудири

Фусункор табиати ва бетакрор гўзаллиги барчани мафтун этиб келган Фарғона ўзининг узоқ ўтмиши, бетакрор санъати билан ҳам ажралиб туради. Худуд аҳолиси асрлар давомида узоқ Шарқ, Жанубий ва Марказий Осиёдаги ҳамда бошқа халқлар билан узвий маданий алоқада бўлиб келган.



Фарғона бағрида ҳамиша ижод бўлоқлари қайнаб турган. Бу чашмалар эл севган санъат намояндалари билан маълум ва машҳур. Созандаликда уста Олим, катта ашулада Маматбува, Мадали ҳофиз, Жўраҳон Султонов, Мамадуллоев Узоқов, Ра-сулқорон, Маматмуров, рақсда Та-маракхоним, Мукаррама Турғунбоева, қизиқчиликда Юсуфжон Шакаржонов мактаби яратилган. Таваккал Қодиров ўзининг ширали овози билан “Ўзбекистон бўлбули” деган номга сазовор эди. Бу руйхатни яна узоқ давом эттириш мумкин.

XIII асрга келиб Бухоронинг “Шашмақом”и — “Бузрук”, “Рост”, “Наво”, “Дугоҳ”, “Сегоҳ”, “Ирок” ўзининг насл ва мушкулот қисмлари билан ривожланган бўлса, Хоразмда мақом айтиш ва чертим йўллари билан ижро этиб келинган. Фарғонанинг “Чормақом”и — “Дугоҳ Хусайний”, “Чоргоҳ”, “Шахнози Гулёр”, “Баёт” йўллари савти ва тароналари билан жилоланиб ижро этилган.

Халқ санъатининг улкан билимдони Юсуфжон қизик Шакаржонов миллий мусиқа санъатимизни бир дарахтга қиёслаб, унинг томири Хоразм, танаси Бухоро, мевалари Фарғонадир, дея таърифлаган. Унинг бу қиёсповида катта маъно бор. Шу тариқа водийнинг мусиқа ижрочилиги ва ҳофизлик санъати ўз усулбида ижро этилиб, халқимизнинг маънавий бойлигига айланиб келган. Фарғона ижро йўллари ва Тошкент ижрочилиги услуби қўшилган ҳолда “Фарғона — Тошкент” ижро йўли деб юритилди. Бу икки ижро йўлини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Улар бири бири тўлдириб туради ва яхлит ижро сифатида намоён бўлади.

Фарғона водийсида ҳофизлик санъати азалдан муқаддас маданий мерос сифатида қадрланган. Водий дарвозаси саналмиш

Хўжанддан Содирхон ҳофиз Бобошарипов, Зоҳирхон ҳофиз, ота-бола Мирсолиҳ, Мирабдулла сингари донгдор ҳофизлар етишиб чиққан. Содирхон ҳофиз ўзининг “Содирхон ушшоғи” ашуласи билан донг таратган. Эл севган машҳур ҳофиз Жўраҳон Султонов устоз ҳузурида икки йил шогирдлик қилган. Бешариклик Шамроқул қори Тўрақулов катта ашула пири сифатида эътироф этилган. Мадумар ҳофиз ҳам Қўқон ижрочилиги мактабига асос солди. Исми Худойберди бўлган улўғ устоз “Зебо пари” тахаллуси билан ижод қилган.

“Фарғона — Тошкент” ижрочилиқ мактабининг улўғ намоянда-си Мулла Тўйчи Тошмуҳаммедов ўз даврида “Баётлар”, “Шахнози Гулёр” сингари мумтоз ашулаларни пластинкалар орқали халққа

етказган. Самарқандлик ҳофиз Ҳожи Абдулазиз Абдурашулов “Фарғона — Тошкент” мактабига мойил “Гулзорим”, “Бозиргоний”, “Самарқанд ушшоғи” ижролари билан эл назарига тушган.

Санъатнинг барча йўналишларида Марғилон мактаби алоҳида ўринга эга. Халқ орасида “Қуй Анди-жонда яратилди, Марғилонда ижро этилади”, деган ибора ҳам бор. Улўғ санъаткор Юсуфжон қизик водий санъаткорларининг устози бўлган. Санъат лугатига қизикчи, аския, ла-тифа, лутф, роббия, тутол, ҳикоя, муқаллид сингари услубларни киритган. Ўзбек миллий цирк санъатини ташкил этишга ҳам катта ҳисса қўшганини кўпчилик билади.

1926 йили Марғилонда Муҳиддин Қори Ёқубов раҳбарлигида биринчи ўзбек давлат миллий этнография ансамбли ташкил этилди. Бу жамоа 50 дан ортиқ таникли санъаткорни бир мақсад сари бирилаштирди. Марғилон санъат мактабиде яратилган улмас ва бетакрор намуналар ҳануз давраларда қўйланмоқда, уларни қўйлаб, янги иқтидорлар юзага чиқмоқда.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади. Водийда таваллуд топиб, дунёга довруғ таратган машҳур санъаткорлар етишиб чиқшининг асосий сабаби нимада? Бизнингча, жавоб оддий. Атрофи тоғлар билан ўралган гўзал водийнинг сўлим табиати, дарё ва соиларида жияланиб оқаётган зилол сувлар, шириндан-шакар мева-лардан баҳра олиб, умргузаронлик қиладиган серфайз одамларнинг нозик дид ва қарашлари кишини изла-нишга, ижодкорликка ундайди. Она табиат томонидан туҳфа этилган бу боқий неъматлар куй, қўшиқ бўлиб дунёга таралмоқда.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти) ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида сахифаланди.
Газетанинг полиграфия жихатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1164.

Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоиси келишилган нархда.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Улуғбек Асроров
Мусаххас: Шероз Маҳмудов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 00:25 Топширилди — 01:15

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz